



TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI —
O'ZBEKISTON
LIBERAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan
chiqa boshlagan

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2015-yil 29-yanvar, payshanba, 05 (585)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ХУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА
ЙИГИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИДА
ПАРЛАМЕНТ ИСЛОХОТЛАРИНИ ЯНАДА
ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ДЕПУТАТЛАРНИНГ
ПРОФЕССИОНАЛ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУҲИМ
МАСАЛАЛАР ХУСУСИДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ.
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ИККИ ПАЛАТАДАН
ИБОРАТ ВАКИЛЛИК ОРГАНИНИНГ
МАВЖЕИНИ МУСТАҚАМЛАШ,
ДЕМОКРАТИЯНИ ҚАРОР ТОПТИРИШДА
СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ
ЮЗАСИДАН ТАНКИДИЙ-ТАХЛИЛИЙ
ФИКРЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ.
ДЕПУТАТЛАРНИНГ КЕЙИНГИ БЕШ
ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИДА АСОСИЙ
ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАДИГАН МАЗКУР
МАЪРУЗА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК,
ЖУМЛАДАН, O'ZLiDeP ФАОЛЛАРИ
ТОМОНИДАН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК
ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСКИЧИНИ
БОШЛАБ БЕРГАН ВОҚЕА СИФАТИДА
ЎҚИБ-ЎРГАНИЛМОҚДА. ПАРТИЯМИЗДАН
САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФИКР-
МУЛОҲАЗАЛАРИ ШУ ҲАҚДА.



Сарвар УРМОНОВ (ўса) олган сурат

«ОЛИЙ МАЖЛИС – ПАРЛАМЕНТИМИЗДА ВА МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДА
ФРАКЦИЯЛАР ЁКИ АЙРИМ ДЕПУТАТЛАР ЎРТАСИДА ДОИМО ФИКРЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ,
МУНОЗАРАЛАР БЎЛИШИ КЕРАК, АЙНАН ШУ ЕРДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ДАСТУРИЙ
МАҚСАДЛАРИ, МАНФААТЛАРИ ИФОДА ЭТИЛИБ, ДЕПУТАТЛАР ЎЗ ФИКРЛАРИНИ ИЛГАРИ
СУРАДИГАН КУЧЛИ БАҲС ВА РАҚОБАТ БЎЛИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА»

2

Ўзбекистон маҳсулотлари — Берлинда

Берлинда бўлиб ўтган «Яшил
хафталик-2015» номи
анъанавий қишлоқ хўжалиги
халқаро ярмаркасида 70
та мамлакатнинг 1600 дан
ортиқ компания ва фермер
хўжаликлари қаторида
Ўзбекистон делегацияси ҳам
иштирок этди.
1926 йилдан буён ўтказилиб
келинаётган ушбу
ярмарка қишлоқ хўжалиги
тармоқлари ҳамда озиқ-
овқат маҳсулотларини
ишлаб чиқариш жараёнида
қўлга киритилган энг сўнгги
йutuқларни намойиш этиш
майдониға айланган бўлиб,
унга ҳар йили қарийб 500 минг
киши ташриф буюради. Бундан
ташқари, ҳафталик доирасида
соҳанинг етакчи экспертлари
иштирокида конференциялар,
симпозиумлар ва семинарлар
ташқил этилади.
— Нуфузли халқаро ярмаркада
Ўзбекистон маҳсулотлари
тақдими Озиқ-овқат sanoati
корхоналари уюшмаси,
«Ўзвиносanoat-холдинг»
компанияси ва Фермерлар
кенгаши томонидан ўтказилди,
— дейди Кичик бизнес
ва хусусий тadbirkorлик
субъектларининг экспортни
қўллаб-қувватлаш жамғармаси
ижрочи директори Жаҳонгир
Мустафоев. — 200 квадрат
метр майдонда ташқил этилган
экспозиция кўпчиликтида
катта таассурот қолдирди.
Хусусан, хорижлик меҳмонлар
жамғармасиз кўмаги билан
Берлинга йўл олган 50 дан зиёд
экспортчи-ишлага чиқарувчи
томонидан кўرғазмага қўйилган
хўл мевалару сабзавотлар,
турли хилдаги табиий
шарбатлар, қандолатчилик ва
тўқимачилик маҳсулотларига
юқори баҳо бердилар.
Ўз навбатида, кўрғазма
давомида Франциянинг
«Chocolat de Baucher-
Lachelle» ва Германиянинг
«Younus Trading» компаниялари
кейинги йилларда юртимизда
кўп миқдорда етиштирилаётган
қизилмия илдизига қизиқиш
билдиргани сабабли мазкур
маҳсулотга доир тижорат
тақлифлари тақдим этилганини
алоҳида таъкидлаш лозим.
Ш.ХУҲАЕВ.



Солиқ ЗОИР олган сурат

Тadbirkorлар ва ишби-
лармонлар ҳаракати — Ўзбе-
кистон Либерал-демократик
партияси Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси, Олий
Мажлис Қонунчилик пала-
тасидаги O'zLiDeP фракци-
яси ва Фермерлар кенгаши
ҳамкорлигида Тошкент дав-
лат аграр университетидида
ташқил этилган амалий уч-
рашув «Аграр соҳада юқо-
ри малакали мутахассис-
лар тайёрлаш — мамлакат
қишлоқ хўжалиги ва фер-
мерлик ҳаракати ривожини
таъминлашнинг гарови»
мавузига бағишланди.
Энг аввало шуни таъкид-
лаш жоизки, мазкур мулоқот
аввалги шундай тadbirkor-
лардан тубдан фарқ қилди.

29 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

Юксак савияда ҳозирлик кўрилмоқда

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан оммавий
ахборот воситалари учун брифинг ўтказилди. Унда округ сайлов комиссияси раиси Ж.Иноғомов мазкур комиссия томонидан амалга
оширилаётган ишлар хусусида журналистларга батафсил маълумот берди.
— Сайловнинг умумэтироф этилган демократик тамойиллар, сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликка қатъий риоя қилинган ҳолда
ўтказилишида округ сайлов комиссиялари зиммасига алоҳида масъулият юкланган, — деди Ж.Иноғомов. — Шунини инобатга олган
ҳолда пойтахтимизда сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик кўриляпти. Хусусан, Тошкент шаҳри бўйича 653 та сайлов участкаси тузилиб,
комиссиянинг иш режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, округ сайлов комиссияси масъул котиби асосий вазифасидан озод этилиб,
аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижросини назорат қилиш ва сайлов
участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туманларга бириктирилди.
А.МУЗАФФАРОВ.

Расмийатчиликдан воз кечилди

Илғор фермерлар ва талабаларнинг очик мулоқотидан репортаж



Чунки унда расмийатчилик,
турли маърузалар ўқишдан
тамоман воз кечилди. Му-
лоқотни кириш сўзи билан
очган университет ректо-
ри Ботир Сулаймонов ҳам,
парламент қўйи палатаси
Спикерининг ўринбосари,
O'zLiDeP фракцияси раҳба-
ри Содикжон Турдиев ҳам
ушбу учрашув ҳеч қанақа
мажлис эмаслигини таъки-
длаб, ёшларни — бўлажак
фермерлар ҳамда қишлоқ
хўжалиги менежерларини
самимий суҳбатга чорлаш-
ди.
Бу таклиф нафақат та-
лабалар, балки мулоқотда
иштирок этган илғор фер-
мерларга ҳам маъқул туш-
ди. Жумладан, Ўртачирчиқ

туманидаги «Мирзакари-
мов Теша ота» фермер хў-
жалиги раиси, салкам
саксон ёшни қаршилаган
Тешавой Мирзакаримов-
нинг ҳаётий мушоадала-
ри, аграр тармоқни янада
ривожлантириш билан боғ-
лиқ фикр-мулоҳазалари
талабаларда катта таас-
сурот қолдирди. Бир неча
юз кишилик аудиторияда
бефарқ кишини топишнинг
иложи бўлмади. Зеро,
суҳбат ҳам шунга яраша
мароқли ўтди. Назарий
билимларни пухта эгал-
лаётган ёшлар тажрибада
синалган амалиёт тафси-
лотларидан қоғоз қорала-
дилар.
Тешавой ота қайси ви-

лоятдан келиб ўқиётгани-
дан қатъи назар, мана шу
залда ўтирганлар ҳақиқат-
да касб сир-асорларини
эгаллайман, менежментни
ўрганаман деса, уни фер-
мер хўжалиги ҳисобидан
уй-жой ва озиқ-овқат, зарур
бўлса, кийим-кечак билан
таъминлаши ҳақидаги га-
плари келажак режалари-
ни аниқлашда ҳали бироз
иккиланиб юрганларни ҳам
қизиқтириб қўйди.
Суҳбатга қўшилган
Дўстлик туманидаги «Са-
фар ота» фермер хўжа-
лиги раиси Дўстмамат
Қодирқулов ўз мулоҳаза-
ларини шундай бошлади:
«Мақсадсиз одам мевасиз
дарактга ўхшайди». Ўрни-
да ишлатилган бу таъриф
озроқ хаёлга берилган та-
лабаларни ҳам мавзуга
қайтарди. Фермер ёки тadbirkor
бўлиш учун диплом
олишни кутиб ўтириш шарт
эмаслиги ҳақидаги фикр
ҳам илиқ кутиб олинди.
— Мана, — деди Д.Қо-
дирқулов ёшларга юзла-
нар экан, — партияимизнинг
тижорат банклари билан
биргаликда амалга ошириб
келаётган истиқболли лой-
иҳалари сизларга шундай
имконият яратиб беради.
Сўзимни бугун бевосита
иштирок этаётган молия

ва солиқ идоралари му-
дасаддилари, қолаверса,
депутатлар тасдиқлаши
мумкин. Сиздан ташаббус,
партиядан ғоя, банклардан
эса бошланғич сармоя. Шу
механизм орқали мулкдор
бўласиз. Ўзингизнинг, ои-
лангизнинг, қўни-қўшни,
тендошларнинг бандли-
гини таъминлайсиз. Гап
кредит кафолатига келиб
тақаладиган бўлса, бу бо-
рада ҳам яқиндан ёрдам
беришга тайёрмиз.
— Сизларга жуда ҳавас
қиламан, — деди Оҳанга-
рон туманидаги «Гулчехра»
фермер хўжалиги раиси
Гулчехра Пулатова. — Нега?
Чунки сизларда ҳамма им-
коният бор. Президенти-
мизнинг саъй-ҳаракатла-
ри билан яратилган қулай
шароитларда, замонавий
методика асосида таълим
олясизлар. Менда эса
шундай имконият бўлма-
ди. Вақтида ўқий олмадим.
Лекин аёл бошим билан
ўзимга ўзим сўз бердим.
Шунчалик астойдил ҳара-
кат қиламанки, ҳаётдаги
мавқеим ҳеч қимчиликдан
кам бўлмайди. Бунда мен-
га Ўртбошимизнинг худди
шу мазмундаги даъватлари
куч-қувват бағишлади.

2

«ЮРТБОШНИ СУЙИБ, БОШДА ТУТГАН ЭЛ»

Ўзбекистон, онажоним, ёлғизим,
Боболарим кафтидаги юлдузим,
Жаннатлардан сувлар ичган илдим,
Жаннат маконим менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Самандарсан — оловлардан соғ чиққан,
Бузрукворсан — етти ўғли шоҳ чиққан,
Алпомишсан — кўксидан чакмоқ чиққан,
Ўлмас достоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Ялпиз атрин билмас деҳқон бўлғайми?
Тинчлик қадрин билмас ўғлон бўлғайми?
Юртин севмас одам инсон бўлғайми?
Нури иймоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Неча аср кўз ёшларин ютган эл,
Сохибқирон қайтишини кутган эл,
Юртбошини суйиб, бошда тутган эл,
Ўзбекистоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири



БУГУНГИ СОНДА:

ҚИШЛОҚ
МУЛҚДОРЛАРИ
Етти
хазинанинг
бири

4



ҚУЙИ
БЎҒИНЛАРДА
Таянч куч
ташаббускор
бўлиши керак

5



ЖАРАЁН
Миллий
маҳсулот
— миллий
ғурур

6



ХАЛҚАРО ҲАЁТ
Қатъий меҳнат
интизоми ва
маданияти

7



МУНОСАБАТ

ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

«ТАКРОР ВА ТАКРОР АЙТИШНИ ЗАРУР ДЕБ БИЛАМАН – БИРИНЧИ НАВБАТДА, АЙНАН ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН ОЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ОРГАНИ НАФАҚАТ БУ ҚОНУНЛАРНИНГ СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИДАН, АЙНИ ПАЙТДА УЛАРНИНГ БИР-БИРИГА ЗИД КЕЛИБ ҚОЛМАСЛИГИ, ҚОНУНЧИЛИКНИНГ АНИҚ ТИЗИМГА АСОСЛАНИШИ, УМУМАН, ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИНГ МУКАММАЛ БЎЛИШINI ТАЪМИНЛАШДАН МАНФААТДОР БЎЛИШИ ЗАРУР»

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Хатолардан тегишли хулоса чиқардик



Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасида вакиллик органи аъзоларида ташаббускорлик етишмаётгани алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам парламентнинг, хусусан, фракциямизнинг ўтган йиллардаги фаолияти

сарҳисоб қилинганда, қонунчиликда белгилаб берилган ваколатлардан етарлича фойдаланмаганимиз кўзга ташланади. Тан олиб айтганда, биз кўпинча у ёки бу қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, ҳукумат томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари бўйича юзаки ёндашув билан чекланиб қолдик. Шу зайл-

да давом этадиган бўлсак, кучли рақобат шароитида ўз нуктаи назаримизни ҳимоя қила олмаслигимиз мумкин. Энг катта фракция сифатида қонунларнинг жиддий баҳс-мунозаралар асосида қабул қилиниши, энг муҳими, тўлақонли ижро этилишига масъул эканлигимизни унутмаслик керак.

Кейинги йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан тадбиркорлик тараққиёти учун яратиб берилаётган қатор имтиёзларга қарамай баъзи идораларда мавжуд қонуности ҳужжатларининг қонунларга зид келаётгани ҳам биз, депутатларнинг камчилигимиз. Чунки бу ишларни вақтида назоратга олмаганимиз. Бу эса ўз-ўзидан ҳуқуқни қўллаш ама-

лиётини қийинлаштирапти. Натижада хусусий сектор субъектлари сунъий тўсиқларга дуч келмоқда. O'zLiDePнинг янги шакллантирилган фракцияси бунга алоҳида эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайман. Зеро, барча меъёрий ҳужжатларнинг қонунларга қанчалик мослиги борасида мониторинг ишларини кучайтирмас эканмиз, электротат ишончини оқлай олмаймиз.

Маърузада алоҳида таъкидланганидек, бугунги шароитда фракциялар ва уларнинг аъзолари бўлган депутатлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга қонунлар борасида ташаббус

кўрсатиш бўйича ўз фаолиятини принципиал жиҳатдан қайта қўриб чиқиши зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, партиямизнинг Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар доирасида янги қонун лойиҳаларини тайёрлаб киритиш ва уларнинг қабул қилинишига эришишимиз даркор. Бу жараён бир томондан фракциялараро рақобатни кучайтирса, иккинчи жиҳатдан ишлаб чиқилаётган қонунларнинг баҳс-мунозаралар асосида маромига етишини таъминлайди. Шунда электротат манфаатини кўзлаган қонунлар юзага келади ва амалда ишлайди.

Фракция ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлиги



Муродилла ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

таларда тайёрланаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти билан электротатни мунтазам таънаштириб бориш керак. Қўшма йиғилишда айрим депутатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотдан ўзини тортиш ҳолатлари учраб тургани бежиз таъкидланмади.

Шундан тегишли хулоса чиқариб, фаолиятимизни янгича услубда давом эттирсаккина кўзлаган натижаларга эришамиз. Мазкур жараён жамоатчиликнинг амалий фикрларини жамлаш орқали қонун лойиҳаларини янада мукаммал қилиб тайёрлашга пухта замин ҳозирлайди.

Назария ва амалиёт уйғунлиги



Нормўмин ХОЛБОВЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Касби тумани ҳокими

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ истиқлол йилларида юртдошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Аҳолининг сиёсий билими, ҳуқуқий маданиятини сезиларли равишда ошгани бугунги ютуқлар, забт этилаётган марраларда яққол кўринапти. Аммо қўлга киритилган муваффақиятларга маҳлиё бўлиб қолиш мумкин эмас.

Президентимиз Олий Маж-

лис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида таъкидлаганидек, депутат ва сенаторларнинг профессионал малакасини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, назария ва амалиётни уйғунлаштириш, ҳуқуқни қўллаш жараёни самарадорлигига ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратиш бугунги кун талабидир. Ўз фаолиятимиз давомида бора билим ва тажрибамизни ишга солган ҳолда ислохотлар муваффақиятини таъминлашга

муносиб ҳисса қўша олсаккина халқнинг ишончини оқлаймиз. Айниқса, партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни хусусида билдирилган фикрлар бизни ташаббускорликни ошириш, электротат манфаатларини ҳимоя қилишда янада фидоийлик билан самарали фаолият олиб боришга ундайди.

Маъруза давомида қонунларга киритилаётган ўзгаришлар деярли ишламаётгани, бу борада аниқ механизмлар йўқлиги таъкид қилинди. Бунга сабаб сифатида қонуности ҳужжатлари қоидаларининг номутаносиблиги, ҳуқуқни қўллаш босқичида қонунчиликдаги зиддиятли ҳолатларнинг учраб тургани кўрсатилди айни ҳақиқат. Демак, ислохотлар самарадорлигига эришиш учун қонунлар пишиқ-пухта,

энг муҳими, халқчил бўлиши лозим. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қонунларимизда белгилаб қўйилган рағбатлантирувчи омишлар таъсирчан механизмлар билан мустаҳкамлаб қўйилгандагина самарали ишлайди.

Олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертлар хизматидан фойдаланган ҳолда қонун лойиҳалари давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг муҳокама қилинса унинг сифати яхшиланади. Ўз навбатида, аҳоли томонидан билдирилаётган фикрлар ҳам эътиборга олиниши зарур. Бунинг учун депутатлар сайловчилар орасида бўлиши, уларни қўйнаётган муаммоларнинг мақбул ечимлари

борасида таклифлар киритиб туришлар керак.

Сиёсий партиялар олдида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, амалий тадбирлар билан аҳоли қатламларини қамраб олишдек долзарб вазифалар турибди. Бу ишни қўйи ташкилотлар фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш, электротат билан депутатлар ўртасидаги фикрлар алмашувини йўлга қўйишдан бошлаш керак. Бунда бизга Юртбошимиз маърузасида билдирилган танқидий фикрлар дастуриламал бўлади. Ана ўшанда ўз кучига ишониб, тинимсиз изланиб, янгиланган сари интилиб яшаётган халқимиз фаровонлиги, юртимиз раванқи йўлида қилаётган барча ишларимиз самарадорлиги таъминланади.

Масъулият юки — энг оғир юк



Азим ЛАТИПОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
«Азим Шофиркон юлдузи» фермер
хўжалиғи раҳбари

дирдагина «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили юзага чиқади.

Шу боис ҳам биз бундан кейин парламентга берилаётган ваколатлардан самарали фойдаланиб, қонун ижодкорлиги борасидаги фаолиятимизни давр талаблари даражасида олиб боришимиз даркор. Парламент назорати ва ҳуқуқни

қўллаш амалиётини такомиллаштириш, таъсир кўрсатиш шаклларида, хусусан, парламент сўровидан умулми фойдаланишимиз кераклиги ўз-ўзидан аён. Бу эса барча депутатлар ва сенаторлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Модомики, масъулият юки энг оғир нон эканлигини ҳамиша ҳис қилиб яшаш ва ишлаш зарур.

Расмийликдан ВОЗ кечилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Озод РАҲАБОВ, «XXI asr»

Сизлар яна шунинг учун ҳам бахтлисизларки, давлатимиз раҳбари барчангизни фарзандларим, дея қўллаб-қувватлаптилар, олдингида учраётган тўсиқларни олиб ташляптилар. Юксак ишонччи эса меҳнат билан оқлаш керак.

Шахсий тажрибамдан бир мисол келтираман: 1998 йили фермер бўламан деганимда, ўша пайтдаги баъзи мутасаддилар аёл киши эппай олмайди, дейишди. Мен аҳдимида қаттиқ турдим. Иложсиз қолган бошлиқлар базур даштлдан 5 гектар ер ажратишди. Лалми жойга сув билан ўснадиган экин экдим. Мақсадга етиш-



нинг маҳсули шу бўлдики, тошларни қўлда териб, бочкада сув ташиб бўлса ҳам ҳосил етиштирдим. Белгиланган режани бажардим. Ана шундан кейин менга ишонч ортди.

Сизларда эса шароит умуман бошқача. Давлатнинг ўзи мулкдор бўлинг,

деб турибди. Бўш турган биноларни «нол» харид қийматида хусусийлаштириб беряпти. Қисқаси, ҳаётини тажриба тўплаш учун менинг далаларим сизларга мунтазир. Қўлимдан келганини муҳайё қиламан. Чунки мен миллионер фермерман. Энди миллионлардер бўлишни ният қилганман. Бунинг учун қулай бизнес муҳити ҳам, ҳуқуқий асослар ҳам яратиб қўйилган.



Ана шундай самимий ва очик гаплардан руҳланган талабалар катта авлод вакиллари билан тортинмасдан мулоқотга киришишди. Замонавий ёшлар сифатида олган билимлари асосида шаклланган таклифларини ўртага ташлашди. Уларни қизиқтирган саволларга эса юқорида тилга олинганлардан ташқари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиғи масалалари қўмитаси раиси Тўлқун Эрназаров, халқ депутатлари Тошкент шаҳри ва вилояти кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари, банк ва солиқ тизими ходимлари жавоб қайтаришди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиққон Турдиев учрашув якунида аграр соҳанинг бўлажак мутахассисларига мурожаат қилар экан, Президентимиз ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатиши баробарида уларга катта умид билан қараётганини таъкидлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг яқинда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида яна бир бор шу мавзуда фикр билдирилгани бежиз эмас. Ўз навбатида, фермер хўжалиқларини бошқариш ва қишлоқ хўжалиғи менежменти мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабалар Юртбошимиз ишончини билим ва азму шиқоат, ташаббус ва талабчанлик, келгусидаги астойдил меҳнат билан оқлашга ваъда бердилар.

Мулоқот якунида O'zLiDePнинг «Келажақ фермерлари» стипендиясига лойиқ топилган талабалар партия дипломлари билан тақдирланди.

ЎКЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси

— 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб аталиши қорҳонамиз нурунийларига катта мамнуният бағишлади, — дейди Фаргона нефтини қайта ишлаш заводи фахрийлар кенгаши раиси Абдумухтор Мадидов. — Жаннатмакон юртимизда ёши улуг' инсонларга эътибор ва ғамхўрлик, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. «Ҳариялар хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси» деган ҳикматли сўзларда чуқур маъно бор.

Ҳақиқатан ҳам қайси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада албатта файзу барака, аҳиллик бўлиши барчага аён. Қорҳонада узок йиллар самарали меҳнат қилиб, ҳозирда қарилқик гаштини сураётган 1917 нафар фахрий завод раҳбарияти, қасаба уюшмаси, ҳамкасблари ва шогирдлари ардоғида. Улар ҳолдан тез-тез хабар олинади, моддий-маънавий рағбатлантирилади. Бундан ташқари, нурунийларнинг соғлигини муҳофаза қилиш учун санаторий-профилакторий ва шифохоналарга йўланмалар берилмоқда. Янги йил арафасида барча фахрийларга пул мунофотлари ажратилди. Байрам дастурхони ёзилиб, мумтоз куй-қўшиқлар, дилрабо рақслардан иборат концерт намойиш этилди.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишларини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва моомоларимизни, она-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш дунёдаги энг улуг', энг савобли ишдир».

Муҳаммадjon МАХМУДОВ.

Дахлдорлик билан яшашга даъват

O'zLiDeP Андиқон вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан «Баркамол авлод суянчи ва таянчи» мавзусида ўтказилган тадбирда маҳаллий кенгаш депутатлари, шаҳардаги касб-хўнар коллежлари, академик лицейларнинг энг фаол талабалари иштирок этди. Учрашувда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасидаги кенг қамровли ишлар, мамлакатимизнинг ўтган йиллар давомида эришилган ютуқларига бағишланган маърузалар тинганди. — Мақсад ёшларнинг ислохотларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришди, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудирини О.Абдуҳамидов. — Унда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг «Ўзбекистон — келажағи буюқ давлат», «Янги уй қўрмай туриб эскисини бузманг», «Ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун», «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» каби даъватларнинг нечоғли ҳаётбахш эканлиги аниқ мисоллар асосида тушунириб бердилар. Бундай тадбирларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказишга қизғин ҳозирлик кўраямиз.

Фахридин НУРАЛИЕВ.

Қишлоқ Мулкдорлари

Етти хазинанинг бири

ёхуд асаларичилик истиқболлари ва имкониятлари хусусида

Дилноза НОМОЗОВА,
«XXI asr»

Кейинги йилларда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, биргина асаларичиликни олиб кўрайлик. Ушбу тармоқнинг илдиэлари узок ўтмишга бориб тақалади. Ота-боболаримиз қадимдан асаларичилик билан шуғулланиб келишган. Бинобарин, уларнинг бой тажрибасидан ҳар қанча ўргансак арзийди.

Асаларичилик етти хазина-нинг бири, дейилишида чўқур маъно бор. Бугунги кунда мамлакатимизда ихтисослаштирилган асаларичилик субъектлари сони 9510 тани тақтилса этади. Шулардан 1617 таси фермер хўжалиги, 208 таси корхона ва тақшилот, 7685 таси шахсий ёрдамчи деҳқон хўжалигидир. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асаларичилик билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун ҳам кенг имкони-ятлар яратди. Натижада 2014 йилнинг ўзида асаларичилик субъектлари томонидан 8 минг 709 тонна маҳсулот етиштирилди.

— Мустақиллик туфайли фуқароларнинг мулкий ҳуқуқлари мустаҳкамланмоқда, — дейди жиэзаҳлик уста асаларичи Ҳасан Жаббаров. — Бу эса кўзланган режаларни амалга ошириш учун айна мудардир. Имкониятдан фойдаланиб, акам билан 5-6 қўти асалари парваришлай бошладик. Тўғри, дастлабки йиллари жуда қийин кечди. Чўнки бир соҳанинг сир-асрорини ўзлаштириш учун анча вақт

керак бўлар экан. Боз устига асаларичилик мураккаб соҳа, нозик хўхатлари кўп. Ана шулардан келиб чиқиб, соҳага оид билим ва тажрибамизни бойитдик, ари оилалари сонини 40-50 қўтига етказдик. Асал тўплашга қўлай ҳудудлар, ширага бой экинлар кўп ўсадиган жойларни аниқлаб олган, ишимиз юриша бошлади. Ҳозир кенжа ўғлим Фаҳридин билан биргаликда 80 қўти асаларини парвариш қилғимиз. Йилнинг келишига қараб 2-3 тонна юқори сифатли маҳсулот тайёрланмоқда.

Асаларичилик ривож-и табиат билан чамбарчас боғлиқ. Қишда қор, баҳорда ёмғир кўп ёғиб, ўсимликлар айна гулга қирадиган май-июнь ойларида ёйнарчилик кам қузатилса, ўша йили ошимиз олчи бўлади. Худого шўқр, қўроқчилик йилларида ҳам насибага яраша «хирмон» кўтарялмиз. Келажакдаги режаларимиз катта. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, асал экспортини йўлга қўймоқчимиз. Ўзбекистоннинг шириндан шакар мевалари қатори тотли, шифобахш асали ҳам хорижликлар эътиборидан четда қолмаслигига ишонаман.

Дарҳақиқат, асал маҳсулотлари озиқ-овқат ва дори-дармон сифатида қадимдан яхши маълум. Тиббиёт илмининг султонни Абу Али ибн Сино ҳам ўз асарларида ушбу неъматни инсон саломатлиги учун энг яхши дори воситаси сифатида таърифлаган. Уни мунтазам равишда истеъмол қилиш тананинг ташқи муҳит таъсирларига қарши курашиш қобилиятини оширади, касалликнинг енғил кечishiга ёрдам беради. Шу маънода асал юрак-қон томир, ошқозон-ичак ва жигар фаолиятини яхшилашда жуда фойдалидир.

Маълум бўлишича, болари



100 грамм асал тўплаш учун 46 минг километр йўл босар экан. Бу Ер шарини бутун экватор бўйлаб айланиб чиқиш билан тенгдир. Митти жонзотнинг фидойилиги ва меҳнатсеварлиги боис асал табиий дори воситасига айланади. Яна бир гап. Дунё тажрибасида асаларилардан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кенг фойдаланилади. Чўнки болари бир кунда 70000 га яқин ўсимлик гулларини чанглатиши мумкин. Фаргона вилоятида мевали боғлар, мойли экинлар ва гўзаларни ушбу усулда чанглатиш яхши самара берганлиги тажрибадан яхши маълум. Чўнончи, асалари билан чанглатилган пахта даласи, шафтоли, олма, олхўри, бодом, гилос, олча, ўрик каби мевали қўчатларда ҳосилдорлик 50 фоизгача ошиши исботланган. Бўнинг учун ҳар гектар боғ ва экинзор бошига 2-4 та асалари оиласи олиб бориб қўйилса, киёфя. Маскур усул АҚШ, Канада ва Франция каби мамлакатларда кенг қўлланилади.

— Ҳозирги кунда асалари-

чилиқ сердаромад тармоқлардан бирига айланиб бормоқда, — дейди Фаргона вилояти асаларичилик уюшмаси раҳбари Шерали Суярқулов. — Жойларда бўлиб, фуқароларни асаларичилик билан шуғулланишга даъват этаёлмиз. Натижада соҳага қизиқиш ортиб, шу ҳисобдан ҳар йили 40-50 та янги иш ўрни яратилапти. Айна пайтда вилоятимизда асаларичилик билан шуғулланувчи 1000 тага яқин субъектлар мавжуд. Бўндан ташқари, Украинадан «Карпат» зотли, Германиядан «Карнейка» зотли асалариларни келтириб парваришлялғимиз ва уларни кўпайтираёлғимиз. Ҳар йили 20 мингдан зиёд асалари пакети ишлаб чиқарилиб, улар республикамиз вилоятларидан ташқари Россия ва Қозғистонга экспорт қилинмоқда.

Айна пайтда маҳаллий асалариларнинг 424 145 та оиласи парваришланаётди. Хўсусан, асалариларнинг «Карпат», «Украина», «Кавказ тоғ» «Кулранг» номли зотлари касалликка чидамлилиги, турли иқлим ва шароитга мослашув-

чанлиги, кўп миқдорда туҳум қўйиши, яхши маҳсулот бериши билан қадрланади.

Асаларичиликни ривожлантириш навбатдаги муҳим масалалардан бири саналади. Чўнончи Фаргона вилоятида ўқув маркаэ биноси қурилиши бошлаб юборилган. Мутахассислар, асаларичилар бу ерда 2016 йилдан бошлаб соҳа сир-синаотлари, хориж тажрибаси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишади.

Мухтасар айтганда, асаларичилик истиқболли тармоқлардан биридир. Диёримиз табиати бой, дов-дарахтлар, гулу гиёҳлар бисёр. Ушбу қўлай имкониятдан фойдаланиб, жойларда асаларичиликни кенг йўлга қўйиш мумкин. Қолаверса, ҳаётнинг ўзи маскур шифобахш неъматни юксак теологиялар асосида қадоқлаш, хорижга экспорт қилиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг дунё бозорида асалчилик соҳасида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қизилмия билан қизикқан тадбиркор

Ўз бизнесини ландшафт архитектураси дизайнери сифатида бошлаган самарқандлик Нарғиза Толипова кўпгина мамлакатларда қизилмия (солодна) ўсимлигига бўлган талаб юқорилигини билгач, шу маҳсулот экспорти билан шуғулланишга қарор қилди. — Қизилмия Амударё қирғоқларида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ўсади. Ушбу ўсимликни етиштириш билан шуғулланган фермерлар махсус техника ёрдамида унинг қарийб ўн метрлик томирининг тахминан бир метргача бўлган қисмини йигиб олади. Шундагина ўсимликнинг кейинги йилги ҳосилига зарар етказилмайди, — дейди «Мистер-Твистер» МЧЖ раҳбари Н.Толипова. — Ҳар йили мавсум чоғида 100 нафарга яқин ишчини ҳашарга чақирамиз. Йигиб олинган маҳсулотни ювиб, табиий усулда қуришиб, юз килоли қадоқ шаклида экспортга жўнатамиз. Тадбиркорнинг таъкидлашича, маҳсулотнинг асосий қисми Хитой, Ҳиндистон, Россия ва Япониядаги ҳамкорларга етказиб берилмоқда. 2013 йилда экспорт ҳажми 470 тоннани тақшил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1000 тоннага етказилди. Жорий йилнинг ўзида ҳиндистонлик тадбиркорлар 400 тонна қизилмияга буюртма берди. Хитойлик ҳамкорлар билан келишувга мувофиқ минг тонна маҳсулот йил охиригача Чин юртига етказилади. Шу ўринда қизилмия ўсимлиги тиббиётда аллергия ва ошқозон ярасини даволаш, иммунитетни кўтариш каби ҳолатларда фойдаланилишини айтиб ўтиш лозим. Бўндан ташқари, ўсимлик косметологияда кенг қўлланилиб, озиқ-овқат саноатида шакар ўрнида ишлатилади.



Қиш чилласида кулупнай

«Samarqand Aqua Line» масъулияти чекланган жамияти тахминан ўн йил аввал Жомбой туманидаги банкротлик ёқасига келиб қолган корхонани модернизациялаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали тақшил этилганди

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

Эътиборлиси, шу тариқа МЧЖ деярли тўхтатилган фаолиятини қайта тиклаш баробарида ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг буткул янги усулини амалга тақбиқ этишнинг удрасидан чиқди. Хўсусан, корхона иссиқхонасида кокос ёнғоги пўстлогига экилган кулупнай қўчатлари айна пайтда фарқ пишганини кўришимиз мумкин.

— Бўндай вазиятга осонликча эришганимиз йўқ, — дейди корхона директори Равшан Равшанов. — Ютуқларимизга мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган қўлай шарт-шароит асос бўлди, десам адашмайман. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда хорижий инвестиция эвазига Жанубий Кореядан 350 минг доллар қийматдаги технология ҳамда 15 минг дона кулупнай ниҳолини олиб келдик. Жиёҳларни ўрнатиш, қўчатларни экиш учун 50 миллион сўмлик маблаг сарфланди.

Самарқандлик миришкорлар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида юртимизга келган корейлик мутахассис Сун Эн Сўкининг таъкидлашича, янги усулда анъанавийга қараганда 30-40 фоиз кўпроқ ҳосил олиш мумкин.

— Тупроқ вазифасидаги кокос пўстлоқларини Индонезиядан олиб келдик, — дейди жаноб Сук. — Ўз навбатида, изланишлар давомида Ўзбекистон тупроғи ниёҳотда унумдор эканлиги амин бўлди. Шу сабабли дастлабки тажрибамизни ниҳосаига етказганимиздан сўнг маҳаллий фермерлар билан ҳамкорликда кулупнай ва бошқа тансик меваларни иссиқхона тупроғида етиштиришни режалаштираёлғимиз.

Дарҳақиқат, бугун йил бўйи ҳалқимиз дастурхони турли ноз-неъматлар билан тўлиб турганига гувоҳ бўламиз. Бўнда Равшан ака каби изланувчан тадбиркорларнинг хизмати бор, албатта. Унинг маълум қилишича, корхона маҳаллий бозорларни эгаллашдан ташқари маҳсулотни экспорт қилишни ҳам йўлга қўймоқда. Хўсусан, айна пайтда россиялик ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилаётди. Зеро, икки гектарлик майдонни эгаллаган иссиқхонада бодринг ва помидор ҳам етилиб қолган. Сабзавот маҳсулотларини консерваланган ҳолда хорижга чиқариш, маъданли сувни қадоқлаш каби лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилган.

— Энг муҳими, бўнинг натижасида 50 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланади, — дейди сўхбатимиз давомида сиёсий партиялар фаолиятига бефарқ эмаслиги ҳамда яқин кўнларда O'zLiDePга аъзо бўлишни мақсад қилганини таъкидлаган тадбиркор.

Фермер кашф қилган гўзаллик

Замин мафтункорлиғини ҳис қилиб яшаб ҳам бахт

Севара АЗИМОВА,
«XXI asr»

Зеро, бу — Ватан. Бир ёни осмонўпар тоғлар, иккинчи томонида яшил экинзорлар шовуллаб турган бепоён юртимиз чиндан-да мафтункор. «Нишон ризи» фермер хўжалиги раҳбари Шўхрат Шўмаров ана шундай гўзаллиқни ўзи кашф қилгани сабабли ундан баҳра олиш учун ҳар тонг қадрдан дала-сига ошиқади. Суяги меҳнатда қотган фермер 13 йилдан бери ер билан тиллашади, ундан меҳрини аямайди. Шўнга яраша ризк-насиба топиб, эл ўртасида ҳўрмат-эътибор қозонмоқда.

Хўжалик асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Агротехник тадбирларнинг оби-тобида ўтказилиши янги ютуқларга йўл очмоқда. 2002 йилда фаолият бошлаган фермернинг экин майдонлари бугун 210 гектарга етди. 2014 йилда 382 тонна пахта, 260 тонна ғалла ҳосили тайёрланиб, шартнома режалари ошиғи билан бажарилди. Фақат шу-бир ниҳол атрофида жонсарақ бўлди. Натижада «Ситорахон» фермер хўжалиги ва унинг раҳбари элга татлини қўйди.

ли ундан ҳам баракали ҳирмон кўтарилди.

— Асли касбим иқтисодчи, — дейди Ш.Умаров. — Банда ҳисобчи бўлиб ишлардим. Ерга бўлган меҳр кўнглимга тинчлик бермади. Шу боис фермерликни танлаб, ўз иқтидоримни синашга жазм этдим. Яратганга шўқр, бугун юзим ёруғ. Кўзлаган мақсадларимиз бирин-кетин рўёбга чиқаётди. Зарур ускуна ва техникалар етарли. 40 га яқин ишчи-хизматчилик бор. Албатта, эришяётган ютуқларимизда уларнинг ҳиссаси катта. Жўмладан, Дилшод Жўмаев, Райим Раҳмонов, Хўсниддин Қўрбонов, Баҳром Бобоназаровнинг бу борадаги меҳнатлари аллоҳида таҳсинга сазовор. Жорий йилда Германиядан зотдор ситирлар харид қилмоқчимиз. Эл-юрт дастурхонини сут ва сут маҳсулотлари билан бойишига ўз ҳиссамизни қўйиш эзгу ниятимиздир.

Ҳаёт гўзаллигидан куч олаётган фермер яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Нишон тумани марказида замонавий савдо шохобчаси барпо этди. Бу ерда кўндалик турмуш учун барча маҳсулотлар мўжайё.

— Келажакдаги режаларимиз катта, — дейди қишлоқ мулкдори. — Тумандаги истироҳат боғи ҳудудида бизга бир

гектар ер ажратилган. Банкдан 400 млн. сўм кредит олиб, болажонларимиз учун ўйин майдончалари барпо этмоқчимиз. Зеро, уларга завқ улашиш олижаноблиқдир. Кексаларни эъзозлаш йилида нуруний отани танлаб, ўз иқтидоримизга дам олиш ма-сканларига йўлланма олиб беришни кўзда тутганмиз. Бўндан ташқари кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга имкон қадар мурувват кўрсатилмоқда.

Қай юрда осийишталик ҳўкм сурса, ўша ерда тараққиёт жадаллашади. Эришяётган салқинлик ютуқларимиз, дунё ахлоқнинг Ўзбекистонга интилаётгани ҳам тинчлик туфайли. Янги саноат корхоналари, замонавий турар-жой биноларининг фойдаланишга топширилаётгани эса турмуш тарзимиз тобора фаровонлашиб борётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, бугунги ўсиш-ўзгаришлар замирида фидойилик ва самарали меҳнат ётади. Мамлакатимизда қишлоқ мулкдорлари учун кенг имтиёз ва қўлай шарт-шароитлар яратилган. Улар бўндан фойдаланиб, ўз имкониятларини тўла намоён этишмоқда, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўйишмоқда. Қашқадарёлик тиниб-тинчимас фермер Ш.Умаров ана шуларнинг бири, ҳолос.



режага киритилган. Қуриляётган ва ишляётган объектларимизда муқо-бил газ ҳамда электр қуввати ишлаб чиқаришни йўлга қўйсақ, 5 минг куб газ ҳамда соатига 300-350 киловатт электр энергиясига бўлган эҳтиёж-и ми тўлиқ қондирилади.

Ерга меҳр қўйиб, уруғ сочиб, нав-ниҳол экиб, ҳам машаққатли, ҳам шарафли меҳнат орқасидан ризк-рўз яратиш халқимизга хос фазилат. Айна шу фазилатлар соҳиби Анваржон Рашидов иш жараёнида ер — бойликларнинг онаси, меҳнат — унинг отаси, деган ақидага амал қилди. Тупроқни олтин, сувни гавҳар деб билди. Кези келганда, кафтлари қавариб, кетмон чопди, керак бўлса, елкасига қоп орқалаб, ўғит ташиди. Об-ҳаво инжиқили қилганда эса ҳар бир ниҳол атрофида жонсарақ бўлди. Натижада «Ситорахон» фермер хўжалиги ва унинг раҳбари элга татлини қўйди.

Янгийўл туманидаги Ниёзбоши қишлоғида истиқомат қилувчи Эркин Рашидовнинг асли касби ўқитувчи. Муаллимлик бу оилага ота мерос. Шу боис Эркин ака ва оила бекаси Дилором ая фарзандларини ҳам ўқитувчиликка меҳри баланд қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишди. Аммо Анваржоннинг қизиқишлари батамом бошқача эди. У болалиқданоқ ўзича ерга дон экиб, ҳосил олиш ўйинини ўйнар, ҳатто мактаб саҳнасида ҳам деҳқон бобо ролини ижро этиб, олқиш олганди

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»

Ёшлиқдаги беғубор орзу-интилишлар инсон келажакига пойдевор қўяди, дейишади. Анваржоннинг ҳам саёй-ҳаракатлари бежиз кетмай, «Ситорахон» номи билан танилган кўп тармоқли фермер хўжалигини тақшил этишига сабаб бўлди. Дастлаб 12 гектар қаровсиз ерни экин экиладиган майдонга айлантирди. 5 гектарига уруғ қадади, қолганига қўчат ўтказди. Биринчи йили экилган ғалладан қутилганидек ҳосил олинмади.

Аммо бўндан Анваржоннинг иштиёқи сўнгани йўқ. Ҳаммасини ўз қўли билан яратиш, қийинчиликларни енғиш иштиёқи, атрофидаги одамларнинг далдаси унга куч берди.

Бугун Анваржон таниқли фермерлардан бири. 160 гектар ернинг 127

90-100 центнердан ҳосил олиб, энг юқори кўрсаткичларга эришган ўнлаб хўжаликлар қаторида бизнинг хўжалигимизни ҳам тилга олгани ғайратимизга ғайрат қўшди.

Ўтган йили хўжалиқда етиштирилган 127 гектар ердан олинган ҳосилнинг 440 тоннаси давлатга топширилди. 170 тонна бугдой хўжалик ишчилари, яна 30 тоннаси кам таъминланган хонадонларга тарқатилди. Олинган даромад ҳисобига фермер ўзи ва ишчиларга замонавий лойиҳа асосида қурилган 5 та уй харид қилди.

Тонг саҳарда одамлар иш бошламасдан далага йўл олган фермер пайкалларни бирма-бир айланди. Қаерга сув керак, қаерга ўғит... Зараркунданалардан қандай қутулиш мумкин. Ҳаммасини обдон ўрганиб чиққан, нималар қилишни кўнглига тугади. Техника воситалари қувватидан, минерал ўғит ва ёнлиғидан оқилона фойдаланиш, агротехник тадбирларни вақтида ўтказиш ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз билим, тажриба ва маҳоратини ишга солиш ҳақида ўйлайди. Зеро, унинг учун ердан бебаҳо неъмат йўқ. Ернинг қалити эса унинг эгаси қўлида. Ҳақиқий деҳқон шундай ишлаши керакки, бўндан давлат ҳам, жамият ҳам, мулкдор ҳам манфаатдор бўлсин. Бошқача айтганда, даланинг иссиқ-совуғини кўрган, уни азиз деб

«XXI ASR» 05 (585)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Таянч куч ташаббускор бўлиши керак

О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ жойларда бошланғич партия ташкилотларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда фаоллар қуйи бўғинлар томонидан 2014 йилда амалга оширилган ишларни таҳлил этиш баробарида яқинда ўтказилган сайловда партиямиз иштироки яқунлари, БПТлар етакчилари фаолиятини баҳолаш, туман ҳамда шаҳар ташкилотларининг навбатдан ташқари конференцияларига делегатлар сайлаш масалаларини муҳокама қилди. Умумий йиғилишларда бўлажак сиёсий кампания арафасида ҳар бир аъзонинг партиявий масъулиятини ошириш лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Ижтимоий-сиёсий фаолият ўзаги

Ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олган О‘zLiDeP юртдошларимизда туб ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш жараёнида фаол иштирок этипти. Бунда асосан БПТларга таянिलाётгани беҳиз эмас. Чунки мазкур тузилмалар бевосита электорат ва сайловчилар орасида иш олиб боради. Шу йўсиндаги фикрлар партия Са-марқанд вилоят кенгаши таркибидаги бошланғич ташкилотларда ўтказилган умумий йиғилишларда қайта-қайта муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шу билан бирга тад-бирларда қуйи бўғинларни янги таша-ббуслар ва ижтимоий-сиёсий фаоли-ят ўзагига айлантириш кераклиги қайд этилди. Таянч нукта ўз атрофида қай-си соҳа вакилларини бирлаштириши-дан қатъи назар, либерал-демократик ғояларнинг тарбиётчиси бўлиши, ҳудуддаги муаммолари масалалар е-чи-мига оид амалий тақлифларни ишлаб чиқиши зарурлиги таъкидланди.

О‘zLiDeP вилоят кенгаши мута-саддиларининг маълум қилишича, йиғилишларда 976 та БПТ фаолияти атрофида таҳлил этилган ҳолда ис-тифболдаги асосий вазифалар бел-гилаб олинган. Ўз ваколатларидан унумли фойдаланиб, жойларда пар-тия мавқеини мустаҳкамлашга муно-сиб ҳисса қўшаётган 953 та қуйи бўғин раиси қайта сайланди. Ошкоралик ва очиклик руҳида ўтган, йўл қўйилган камчиликлар рўйи-рост айтилган маж-лисларда айрим етакчиларга ишонч билдирилмади. Чунончи, иши талаб даражасида эмас деб топилган 23 та БПТ раҳбарлиги иқтидорли ва таша-бускор кишиларга топширилди.

Сабабларни аввало ўзимиздан қидирайлик

Бугунги кунда О‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши 763 та бошланғич таш-килот фаолиятини мувофиқлаштир-моқда. Умумий йиғилишларда 12807 нафар партия аъзоси иштирок этгани, улардан 440 нафари туман ва шаҳар конференцияларига делегатликка

сайланганини қайд этиш зарур. Эъти-роф этиш керакки, тадбирларда Пре-зидентимизнинг Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқувчи устувор вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

— Давлатимиз раҳбари ўз чиқи-шида қонунлар лойиҳалари, айниқ-са, аҳоли манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокама-сига жамоатчилиқни, фуқаролик ин-ститутлари вакилларини кенг жалб этиш лозимлигини таъкидладилар, — дейди Урганч шаҳридаги 25-МФЙ ҳудудда тузилган БПТ раиси Феруза Раманова. — Ўшбу фикр кейинги фа-олиятимиз учун дастуриламал бўла-ди. Қуйи ташкилотлар партия юқори органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қонун лойиҳала-ри муҳокамасида бевосита иштирок этиши айна муддаодир. Модомики, партия таянч тузилмалари ана шун-дай муҳим ишларга кенг жалб қилин-маётган экан, бунинг сабабларини аввало ўзимиз, фаолиятимиздан қи-диришимиз керак. Мурожаатлар би-лан ишлаш, тақлифлар ишлаб чиқиш, депутатлар билан ҳамкорлик йўна-лишидаги ишларимизни қониқарли, деб бўлмайди. Бундай нуксонларни бартараф этиб, ёрқин ташаббуслар билан партиянинг чинакам таянчи эканлигимизни амалда намоён эти-шимиз зарур.

Энг муносиблар делегатликка сайланди

Бухоро вилоятидаги бошланғич ташкилотларнинг умумий йиғилиш-лари қизгин муҳокамаларга бой, кўтаринки руҳда ўтди. Уларда «Ҳи-сбот даврида партия электорати манфаатини қай даражада ифода-лай олдик? О‘zLiDeP нуфузини яна-да оширишга қандай ҳисса қўшишга муваффақ бўлдик?» каби долзарб саволларга жавоб топишга ҳаракат қилингани, сайлов натижалари таҳ-лил қилингани айниқса эътиборга молик. Кун тартибига асосан партия уставида белгиланган тартиб-қои-даларга қатъий риоя этилган ҳолда,

қуйи бўғинлар раислари ва улар-нинг ўринбосарларини, шунингдек, туман, шаҳар ташкилотларининг навбатдан ташқари конференцияла-рига муносиб делегатларни сайлаш масалалари бўйича тегишли қарор-лар қабул қилинди.

Эътиборлиси, сайланган янги етакчиларнинг 57 нафари навқирон авлод вакилидир. Албатта, бу тасо-дифий ҳол эмас. Балки О‘zLiDeP-нинг собитқадамлик билан ёшлар учун ижтимоий кўтаринкилик муҳи-тини яратиш, уларнинг ижтимо-ий-сиёсий истиқболини бунёд этиш-ча йўналтирилган саъй-ҳаракатлари самарасидир. Зеро, йиғилишларда партия фаолиятини такомиллашти-риш юзасидан билдирилган асос-ли тақлифларнинг ақсариятини ёш етакчилар илгари сурди.

Жамоатчилик назоратининг дастлабки механизми

— Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси аъзоларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди Андижон туманидаги «Rubber-trast» хусусий корхонаси-даги БПТ раиси Абдулҳаким Исмои-лов. — Унда билдирилган фикр-му-лоҳазалар ҳар биримизни чуқур мушоҳада юритиш, фаолиятимизда учраётган қусурларга нисбатан му-росасиз бўлишга ундамоқда. Ху-сусан, фракциялар ва депутатлар янада фаол бўлиши, ўз фаолиятини электорат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиши лозимлиги алоҳида қайд этилди. Ўшбу фикрдан тегишли сабоқ чиқариш — муҳим ва-зифамиз. Зеро, зарур шарт-шароит мавжуд бўлса-да, ҳанузгача депу-татларнинг том маънодаги кўмак-чиси, елкадошига айлана олмадик. Кўп масалаларда ташаббус кўрсата олмаётганимизни, журъатсизлиги-мизни тан оламиз. Ваҳоланки, биз депутатларни, партия юқори ташки-лотларини ҳаракатга келтирувчи куч бўлишимиз лозим.



Бошланғич ташкилотлар фао-лияти сарҳисоб қилинувчи ва кел-гусидаги вазифалар белгиланувчи умумий йиғилишлар Андижон ви-лоятида ана шундай кайфиятда бўлиб ўтди. Худудий ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳла-ри аъзолари, жамоа ташкилотлари ва хусусий сектор вакиллари қатна-шаётган мазкур тадбирларда ўрта-га ташланган тақлиф ва тавсиялар атрофлича муҳокама этилиб, теги-шли ҳулосалар чиқарилди.

Асосли тақлифлар ўртага ташланди

О‘zLiDeP Фарғона вилоят кен-гашининг БПТлар билан ишлаш гу-руҳи раҳбари Аброр Ҳамдамовнинг маълум қилишича, ҳудудда фаолият юритаётган 526 та таянч нуктасининг барчасида умумий йиғилишлар бў-либ ўтди. 514 та БПТ раиси етакчи-ликка қайта сайланган бўлса, 12 та тузилманинг фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасидаги бошланғич ташкилот ўз фаолиятини 2005 йилда 5 нафар аъзо билан бошлаган. Бугун 222 на-фар аъзоси бўлган БПТ ўз атрофига асосан навқирон авлод вакилларини жамлаган. Шу боис умумий йиғилиш ёшларга хос ташаббускорлик руҳи-да ўтди. Ўтган йилги ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белги-лаб олинган тадбирда қуйи бўғин фаолиятини такомиллаштириш, электорат вакилларини ҳар томон-лама қўллаб-қувватлаш, ечимини кутаётган муаммолар бўйича асосли тақлифлар ўртага ташланди. Йиғи-лишда Мавжуда Хурсанова кўпчи-лик овоз билан БПТ раислиги, айна

пайтда шаҳар конференциясига де-легат этиб сайланди.

Муаммоларга ечимлар топиш имконияти

— Худудий партия ташкилоти таркибида 14269 аъзони бирлаштир-ган 777 та қуйи бўғин иш олиб бора-япти, — дейди О‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Арзикул Шеров. — Йиғи-лишлар ўз-ўзини танқид тарзида ўтаётгани туфайли мавжуд муам-моларга мақбул ечимлар топиш им-конияти юзга келмоқда. Шу ўринда ўтказилаётган тадбирлар айрим қуйи тузилмалар иши талаб дара-жасида эмаслигини кўрсатганини айтиш жоиз. Пировавдиди 6 та бо-шланғич ташкилотда етакчилар фа-олияти қониқарсиз баҳоланди.

Йиғилишларда фаол қатнашиб, партиявий ишларни янада жон-лантириш, қуйи бўғинлар фаоли-ятини кучайтириш юзасидан асо-сли тақлифлари билан эътиборни тортган 180 нафар аъзо кадрлар захирасига олинди. Кези келганда, тарбиёт ишлари тизимли йўлга қўй-илган жойларда таянч нукталари ва уларнинг аъзолари сони ортаётгани-ни ҳам қайд этиш лозим. Буни уму-мий йиғилишлар даврида жами 32 нафар фаолни жипслаштирган 4 та янги қуйи ташкилот иш бошлаганида ҳам кўриш мумкин.

Дастурий мақсадлар тарғиботи

Бошланғич ташкилотларнинг умумий йиғилишлари маҳаллий ОАВ орқали ёритилгани партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари-

ни тарғиб этишга хизмат қилганини таъкидлаш лозим. Жумладан, Нукус шаҳридаги «Қардар» МЧЖда иш юритаётган БПТ йиғилиши тафси-лотлари маҳаллий нашрларда эъ-лон қилинди. Ўтган даврдаги ишлар сарҳисоб қилинган тадбирда фа-оллардан бири Баҳром Мустафоев сўзга чиқиб, қуйи бўғиннинг чекка ҳудудларни ичимлик сув билан таъ-минлашни яхшилаш, ободонлашти-риш, шунингдек, аёлларни касана-чилик асосида ишга жойлаштириш борасидаги фаолияти юзасидан аҳ-моларга мақбул ечимлар топиш им-конияти юзга келмоқда. Шу ўринда 10 нафар хотин-қиз БПТ ёрдами би-лан «Зар-Дилбар» корхонасига ишга жойлаштирилган. Шунингдек, аъзо-лар ташаббусига асосан тикувчилик ўқув марказлари ташкил этилиб, уларда ёшлар учун хунар ўрганиш имконияти яратиб берилган.

Мажлисда яқин истиқболдаги ва-зифалар ҳам муҳокама қилинди. Ху-сусан, 2014 йилда партиявий воси-талар билан тадбиркорлик ривожига яқиндан кўмаклашиш энг устувор йўналиш сифатида белгиланди. Йиғилишда ташкилот етакчисининг ўтган йилдаги фаолияти қониқарли баҳоланиб, Паруаз Ережанова раис-ликка сайланди.

Мулкдорлар манфаатига бирламчи эътибор

Жиззах туманида 1700 дан зиёд партия аъзосини бирлаштирган 75 та БПТ фаолият кўрсатаяпти. Бутун вилоятда қуйи бўғинларнинг уму-мий йиғилишлари уюштирилишига пухта тадорик қўрилди. Чунончи, ўтган йилги ҳисобот-сайловларда кўзга ташланган баъзи нуксонлар

тузатилди. Масалан, партиянинг таянч нукталари иш олиб бора-ётган корхоналар, муассасалар раҳбарларининг умумий йиғилиш-ларда фаол қатнашишларига алоҳида эътибор берилди. Пар-тия юқори органлари масъуллари-нинг жойларга чиқиб, етакчилар ва фаолларга зарур маслаҳатлар бергани тадбирлар самарадорли-гини таъминлашга хизмат қилди. Жумладан, «Чақмоқ» фермер хў-жалиги, «Флора гуллари» хусусий фирмаси ва «Bagira tex» МЧЖдаги қуйи бўғинларда ташкил қилинган учрашувларда вилоят кенгаши де-путати Дилора Юлдашева ҳам сўз олиб, тўпланганлар эътиборини Юртбошимизнинг мамлакатимиз-ни 2014 йилда ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисо-дий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ва-зирлар Маҳкамасининг мажлиси-даги маърузасида билдирган фи-крларига қаратди. У Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг «Бошланғич партия ташкилотлари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш тўғрисида»ги қарорига асо-сан жойларда тадбиркорлар ва фермерлар манфаатларини сама-рали ҳимоялаш БПТ фаолиятининг асосий йўналиши бўлиши керакли-гини, бу борада ННТлар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан қизгин ҳамкорлик қилиш тақозо этилаётга-нини таъкидлади.

Бехзод ИСРОИЛОВ
тайёрлади.

ЎСЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

«Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиқлари бўйича қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ҳақида маълумот берсангиз.

Умид Қобилов, Тошкент шаҳри». — Президентимизнинг 2014 йил 4 декабдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси бўйича мол-мулкнинг инвентаризация қиймати нисбатан 1,3 фоиз (2014 йилда 1,2 фоиз бўлган) миқдориди белгиланди. Шунингдек, 2015 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв. метрдан 500 кв. метргача бўлган турар-жой ва квартираларга 1,4 фоздан 1,6 фозгача, майдони 500 кв. метрдан ортқ бўлганлар учун эса 1,8 дан 2,2 фозгача оширилди. Эслатиб ўтаимиз: Жисмоний шахсларга ҳисобланадиган мол-мулк ва ер солиқлари жисмоний шахслар томонидан солиқ даври учун ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар тўланади. Солиқ кодексининг 120-моддасига мувофиқ, белгиланган муддатдан кечиктириб тўланган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня ҳисобланади. **Саволга Тошкент шаҳар Учтепа тумани ДСИ бўлим бошлиғи Анвар ЗАМОНОВ жавоб берди.**

ЎЭЪЛОН

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Фондом финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана проводится конкурсный отбор проектных идей субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства

Отбор проектных идей и финансирование разработки по ним проектной документации (ТЭО, биз-нес-план) осуществляется на конкурсной основе.

Конкурс проводится по следующим направлениям: создание новых производств, модернизация, техническое и технологическое обновление действующих производств в приоритетных отраслях промышленности.

К участию в конкурсном отборе допускаются идеи, обладающие инвестиционной привлекательностью и перспективной возможностью промышленного внедрения, а также идеи, предусматривающие увеличение объемов и улучшение качества производства продукции с использованием местного сырья и материалов, повышение производительности труда и др.

Участвовать в конкурсе могут юридические лица, предоставившие свои проектные идеи для подготовки проектной документации.

По наиболее перспективным и привлекательным инвестиционным проектам Фондом оказывается содействие в привлечение банковских кредитов для их финансирования. Для участия в конкурсном отборе необходимо предоставить следующие документы: заявка (по форме); инвестиционное предложение (по форме); паспорт инвестиционного предложения (по форме). Документы также принимаются в электронном виде.

Для подробной информации обращаться:
Тел: (+99871) 238-69-07, 238-69-08; Web-site: www.ffpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com
Фонд располагается в здании Межбанковского Центра финансовых услуг по адресу: г.Ташкент 100027, Шайхантахурский район, ул.А.Ходжаева,1. Услуги лицензированы.



Биз — XXI асрда яшаяпмиз!

Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!

Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?

Нашр индекси: 406

Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80.

ЖАРАЁН

Зебунисо уч, Азимхон етти ярим миллион олди

Йил аввалида олдимизда турган вазифалар ва амалга ошириладиган ишларни режалаштириш ўтган йилги фаолият сарҳисоби, йўл қўйилган камчиликларнинг танқидий таҳлилидан бошланади

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлимининг 2014 йилга мўлжалланган иш-режаси нечоғли бажарилганини қўриб чиқар эканмиз, турли мавзуларда жами 110 та тарғибот тадбири ташкил этилиб, уларга 9292 нафарга яқин ёш қамраб олинганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, биргина «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, улар онгини ёт иллатлардан ҳимоялаш, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мақсадида уюштирилган 20 га яқин очик мулоқот ва давра суҳбатида 1342 нафар ёшнинг иштироки таъминланди.

Айни пайтда воҳадаги О'zLiDeP аъзолари 21842 нафар бўлиб, шундан 9986 нафари, яъни 45,7 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, бугунги кунда вилоятда мавжуд 545 та БПТнинг 121 тасига ёшлар раҳбарлик қилишмоқда.

Маҳаллий аҳолининг 63 фоизини ёшлар ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, Ёшлар билан ишлаш бўлими ўз фаолиятини янада кучайтириши лозимлиги ойдинлашади. Зеро, бизнесни йўлга қўйишда ёшларга назарий ва амалий қўмак бериш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, пировардида сиёсий фаолигини оширишда партиявий лойиҳаларнинг самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади.

— Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатни модернизация-



лаш, иқтисодийётни янада эркинлаштириш, тендошларимизда ўз қадр-қимматини англаш туйғусини уйғотиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган изчил ишхотлар муваффақиятини таъминлашга бевосита қўмаклашиш бош мақсадимиздир, — дейди О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Холиддин Бўриев. — Жумладан, қатор йиллардан буён ўтказиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...» сингари лойиҳаларимиз айнан шу мақсадга эришишга йўналтирилгани билан долзарбдир.

Тақдим қилган маълумотларни таққослаганимизда амалий кўрсаткичлардаги ўсиш-ўзгаришлар яққол кўзга ташланди. Хусусан, 2013 йил «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг туман (шаҳар), вилоят босқичлари доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда таълим муассасаларининг 745 нафар битирувчи талабаси қатнашиб,

уларнинг 65 нафарига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилган бўлса, 2014 йилда ушбу миқдор тегишли равишда 765 ва 92 тани ташкил қилди.

Яна бир қиёс: 2013 йилда 16 нафар талаба партия сертификати асосида банклардан жами 166,2 млн. сўм миқдорида кредит олиб, ўз бизнесини очган бўлса, 2014 йил давомида 75 нафар битирувчи талаба жами 284 млн. сўмлик кредитлар эвазига тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Энг муҳими, ёшларнинг ана шу интилишлари партия томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида 83 та янги иш ўрни яратилди. Бу битта лойиҳанинг бир ҳудуддаги самараси, холос.

— О'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилган «Диплом билан — бизнесга-2014» лойиҳасида иштирок этиб, банкдан уч миллион сўм миқдоридида имтиёзли кредит олдим ва ўз бизнесимни йўлга қўйдим, — дейди жарқўргонлик Зебинисо Холбоева. — Муҳими, тўрт нафар тендо-

шимни иш билан таъминладим.

— Мен ҳам шу лойиҳага бизнес-режамни тақдим қилгандим, — дейди қумқўргонлик Азимхон Сайфиддинов. — Ҳакамлар ҳайъатининг тавсияси бўйича «Микро-кредитбанк»дан 7 млн. 500 минг сўм миқдорида кредит олдим. Ушбу маблаг эвазига қорвачилик билан шуғулланувчи мулкдорлар сафига қўшилдим.

Таъкидлаш жоизки, Сурхондарёда О'zLiDePнинг «Ишбилармон талаба» қўрик-танлови ҳам яхши самара бермоқда. Буни қуйидаги рақамлар ҳам исботлаб турибди. Хусусан, 2013 йил ушбу лойиҳага орқали 115 та касб-хунар коллежи ва 5 та академик лицейнинг 456 нафар талабаси қамраб олинган бўлса, ўтган йили иштирокчилари сони 729 нафарга етди.

— Мен «Ишбилармон талаба-2014» қўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритгандим, — дейди Термиз туманидаги Янгиарик қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи талабаси Лутфия Баратова. — Мазкур қўрик-танловнинг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Quyoshi» болалар оромгоҳида ўтказилган республика босқичида эса иккинчи ўринни эгалладим.

Хулоса қилиб айтганда, партия иқтисодийётнинг барча тармоқларига хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш мақсадида сармоялар киритиш, биринчи навбатда, саноат соҳасида хусусий мулкнинг етакчи ўрни эгаллашига қаратилган эътирареради. О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар бунинг кичик мисолидир, холос.

Бир байрамда уч юзта торт

Қўлай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги тадбиркорлар сонининг ортишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Сирдарё вилоятининг энг чекка ҳудудларида ҳам кичик бизнес билан шуғулланиб, оила фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган аёллар сафи кенгайиб бораёпти.

Гулистон туманида 2011 йилда ташкил қилинган «Фол заҳматкаш» тайёрлов корхонаси раҳбари Нодира Мираҳмедова ана шундайлардан биридир. Корхонада турли хил пишириқлар, байрам тортилари, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

— Илгари қандолатчилик маҳсулотларини қўни-қўшнilar учун тайёрлаб юрган бўлсам, кейинчалик бу менинг асосий машғулотимга айланди, — дейди Н.Мираҳмедова. — Қўлай шарт-шароитдан руҳланиб, тадбиркорлик билан жиддий шуғулланишга аҳд қилдим.

Дугоналаримни ёнимга олиб, тўй маросимлари ва туғилган кўналар учун тортлар, турли пишириқлар тайёрлашга киришдик. Шу тариқа буюртмачилар сони орта борди. Айниқса, Янги йил арафасида қўлимиз-қўлимизга тегмади. Буюртмачиларга 300 дан зиёд торт етказиб бердик. Суҳбатдошимиз яқинда туман марказида бўш турган бинони қайта таъмирлаб, ўз фаолиятини кенгайтирди, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайтирилди. Ҳозирда бу ерда савдо дўкони, новвойхона ишлаб турибди.

Цехда 7 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Хилма-хил батон ва печенье маҳсулотлари юқори сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Тадбиркор Нодира Мираҳмедова яқин орада Гулистон ва Янгиер шаҳарлари, Миразобод ва Оқолтин туманларида дўкон очиб, корхона цехларини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий технология билан жиҳозлашнинг ният қилган.

Дилора ЭСОНОВА.

Қўлай ва тезкор

Сурхондарёда ўтган йили мингдан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъекти ягона интерактив давлат хизмати портали орқали электрон усулда давлат рўйхатидан ўтиб, ўз фаолиятини бошлади

Муҳриддин НУРМАНОВ, «XXI asr»

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмининг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида яратилган бу қўлайлик олис ва чекка ҳудудлардаги ишбилармонларга ҳам манзур бўлмоқда.

— 2014 йил бошидан тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказишнинг кенг жорий этилгани соҳани янада ривожлантириш учун бир қатор қўлайлик яратди, — дейди Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тўра Боболов. — Давлат рўйхатидан ўтказишнинг замонавий усули мазкур жараёндаги тўсиқ ва муаммоларга барҳам бериб, ишбилармонларнинг маблаг ва вақтини тежаяпти. Бу эса аҳоли бандлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг электрон усулда давлат рўйхатидан ўтказилиши, бизнес вакилларининг эркин фаолият юритиши янада қўлай ишбилармонлик муҳити яратишда муҳим омил бўлмоқда. Бундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлар энг олис ва чекка ҳудудларда ҳам хусусий корхона ташкил этиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётгани, аҳолига сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантираётгани қувонарли, албатта.

Дарвоқе, вилоятда давлат рўйхатидан интерактив усулда ўтиш учун буюртма бераётганларга маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари белгиланган муддатда «Uzinfocost» давлат унитар корхонасининг www.id.uz сайтидан идентификацион рақам олиб, уни www.my.gov.uz ягона интерактив давлат хизмати портали орқали рўйхатидан ўтказмоқда. Мазкур сайтда давлат рўйхатидан ўтиш тартиблари ва талаб этиладиган ҳужжатлар тўғрисида барча маълумот киритилган. Бу жараёнда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказишга ариза бериш, шунингдек, рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатлари ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномани беришда электрон рақамли имзодан фойдаланилмоқда.

Таҳлилларга кўра, йил давомида Сариосиё туманида 105, Ангор ва Бойсун туманларининг ҳар бирида 100 дан ортиқ, Жарқўргон, Музработ ва Узун туманларининг ҳар бирида 80 дан зиёд тадбиркорлик субъекти интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтди.

— Фаолиятимизни бошлашга рухсат олиш учун интерактив усулдан фойдаландик, — дейди сариосиёлик якка тартибдаги тадбиркор Гулчеҳра Норқулова. — Бунинг учун сайтда берилган маълумотлар асосида зарур ҳужжатларни тайёрлаб, электрон нусхасини ҳокимлик ҳузуридаги инспекцияга юбордик. Қисқа вақтда давлат рўйхатидан ўтганимиз ҳақидаги гувоҳноманинг электрон нусхасини олиб, иш бошладик. Ўз бизнесимизни йўлга қўйиш учун яратилган бундай қўлайликлардан мамнунмиз.

Жорий йилда воҳада янги ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлайдиган тадбиркорлик субъектларини электрон усулда давлат рўйхатидан ўтказиш ишларининг янада ривожланиши кутилмоқда. Бу вилоятда маълумотлар алмашишининг электрон шакли оммавийлашиб, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни тезлашаётгани ва тадбиркорларнинг давлат органлари билан ҳамкорлик алоқалари мустақамланаётганига яққол мисолдир.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Миллий маҳсулот — миллий ғурур

Ушбу шиор тадбиркорларни янги марраларга руҳлантирмоқда



Севара АЗИМОВА,
«XXI asr»

Бугун қарийб тўрт юз мингга яқин хусусий корхона юртимиз иқтисодийётини юксалтиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Қарши шаҳридаги «Санам» МЧЖ улардан бири.

Тикувчиликка ихтисослашган мазкур фабрика 2009 йилдан буён турдош маҳсулот тайёрлаш бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. 600 кишилик жамоа 40 турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Соҳа сир-асрорини пухта эгаллаган ишчиларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар мамлакатимиз энгил саноат соҳасини

ҳар томонлама ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Хусусан, 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга кўра, ягона солиқ тўлови имтиёзлари юзага келди. Даромаднинг муайян қисми корхонанинг ўзида қолдирилаётгани боис кейинги йилларда кўрилган иқтисодий фойда эвазига чет элдан замонавий технологиялар келтириб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Жумладан, Плоттер номли комплект бичув ускунаси, 100 дона товush чиқармайдиган махсус электрон тикув дастгоҳи, 2 дона компьютер орқали безак берадиган мослама сотиб олин-

ди. Натижада 200 та янги иш ўрни яратилди.

— 2014 йил якунлари бўйича мамлакатимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга ўсганлигида бизнинг ҳам қамтарона ҳиссамиз борлигидан

мамнунман, — дейди корхона раҳбари Саъдулла Бобоқулов. — Президентимизнинг «Қашқадарё вилоятида 2013-2016 йилларда саноат салоҳиятини янада ошириш дастури»нинг таъсири жуда катта бўлди. Нафақат бизнинг фабрика, балки «Қашқадарё енгил саноат» уюшмаси таркибидаги барча корхоналарда сезиларли даражада ўсишга эришилди. Миришкор ва Чироқчи туманларидаги тикувчилик фабрикалари уюшма таркибига киритилди. Бугунги кунда 25 турга яқин махсус кийим-бош, кўрпа-тўшак, эркаклар ва аёллар учун либослар тайёрланадир. Чеварларимизнинг катта шахарлардаги йирик тикувчилик корхоналарида тажриба алмашишиб келаётгани маҳсулотларнинг янада сифатли бўлишини таъминламоқда.

Фабрикада 400 кишилик шинамгина ошхона ташкил этилган. Шунингдек, ишчи-ҳодимларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида маънавий ва маърифат хонаси, 150 ўринга мўлжалланган малака ошириш ўқув маркази ишга туширилди. Чекка туманлардан келиб ишла-

ётган ҳодимлар учун барча ҳижозлар билан таъминланган 3 та замонавий ётоқхона бор.

2014 йил октябрда бўлиб ўтган «Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси»да фабрикада ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифатлилиги даражаси юқорилиги боис 1,2 млрд. сўмлик шартномалар имзоланди. Мазкур ярмаркада Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ёрдамида «Камволь» АЖдан полипропилен толали ярим юнгли мато ҳамда тикув дастгоҳ олиб келиниши, ушбу хорижий корхона билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиши натижасида 450 та иш жой очили имконияти юзага келди.

Эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериш, меҳрга ташна қалб эгалари бошини силаш халқимизга хос хислат. Зеро, ота-бобларимиз ёрдамга муҳтожлар учун ҳашар йўли билан уй-жойлар қуриш, маҳалладаги болалар тарбияси билан шуғулланиш, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш сингари вазифаларга алоҳида эътибор қаратишган. Ана шундай эзгу аъёнларни давом эттираётган корхона жамоси 2014 йил мобайнида қўмакка муҳтож оилалар ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 115 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатгани таҳсинга сазовордир.

Давлатимиз раҳбарининг «Юртимизда тайёрланган матолардан кийиниш нафақат гўзаллик, балки миллий ғурур учун ҳам асос бўлиши керак», — деган даъвати фабрика жамоасининг асосий шиориға айланган.

— Отамнинг чет элларда тайёрланган кийим-кечакларни дўконларда навбатга туриб ха-



рид қилишгани ҳақидаги ҳикояларини эшитиб, нахотки юртимизда шундай маҳсулотларни тайёрлашнинг имкони бўлмаган бўлса, деган саволимга бугун жавобим бор, — дейди фабрика тикувчиси Моҳигул Ҳамдамова. — Узимиз тиккан либосларни юртдошларимиз эғнида кўрсам, кўнглимда ўзгача ғурур ва ифтихор пайдо бўлади. Сабаби, ўша кийим-кечакларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», деган ёриқ бор. Бугун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорлар рақобатбардод ва экспортбop маҳсулотлар билан жаҳон бозорларига чиқмоқдалар. Бу эса,

шубҳасиз, ўз самарасини бераёпти. 2010 йилда касб-хунар коллежини тамомлаб, йўллан-таъйишнинг имкони бўлмаган бўлса, деган саволимга бугун жавобим бор, — дейди фабрика тикувчиси Моҳигул Ҳамдамова. — Узимиз тиккан либосларни юртдошларимиз эғнида кўрсам, кўнглимда ўзгача ғурур ва ифтихор пайдо бўлади. Сабаби, ўша кийим-кечакларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», деган ёриқ бор. Бугун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорлар рақобатбардод ва экспортбop маҳсулотлар билан жаҳон бозорларига чиқмоқдалар. Бу эса,

Дарҳақиқат, интилганга толе ёр. Мустиқил юртимизнинг бугунги ва эртаги тараққиёти учун белни маҳкам боғлаб, сидқиқидилдан меҳнат қилаётган юртдошларимиз шаънига ҳар қанча таҳсин айтисак арзийди. Улар учун эришилган ютуқлар чегара эмас, албатта.



Қатъий меҳнат интизоми ва маданияти

муваффақиятлар эшигини аста-секин очиб, ютуқлар сари бошлади

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Тарихдан яхши маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёга ҳукмронлик қилиш даъвосидаги давлатлар манфаатлари сабаб Корея ярим ороли фуқаролар уруши домига тортилди ва охир-оқибат Шимолий ва Жанубий қисмларга бўлиниб кетди. Ягона миллат негизда бир-бирига муҳолиф икки давлат юзага келди. Аҳвол нихоятда мураккаб бўлишига қарамай, табиатан тартиб-интизомни хуш кўрадиган, меҳнаткаш, сабр-тоқатли корейс халқи барча тўсиқларни енгиб, ёруғ манзил сари интилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Жанубий Кореяда эълон қилинган беш йиллик ривожланиш дастури мамлакат тараққиётига тамал тоши қўйди. Урушгача қоқоқ қишлоқ ҳўжалиги, яъни аграр тизимга таянган давлат асосий эътиборни саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қаратади. Бундан бошқа йўл йўқ эди, аслида. Натижада 70-йилларга келиб мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми орта бошлади. Хизмат кўрсатиш тармоғи тез ривожланди. Шу тариқа орадан кўп ўтмай Жанубий Корея аграр давлатдан саноатлашган мамлакатга айланди. 2002 йилга келиб эса қишлоқ ҳўжалиғи билан банд аҳоли 9,7 фоизга тушди.

Бироқ аграр соҳа ҳам оқсаб қолмади. Ақсинча, замонавий агросаноат тизими шаклланиши боис оз сонли ишчи кучи билан катта ҳажмда маҳсулот етиштириш имкониятлари юзага чиқди. Мутахассисларга аён бўлганидек, Жанубий Корея шароитида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш осон эмас. Мамлакатда ер ресурслари чекланган бўлиб, 1 кв. км. майдонга 500 киши тўғри келмоқда. Шу рақамнинг ўзидек унинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудлардан эканини англатиб турибди. Бундай шароитда қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларига эҳтиёжни ички манбалар ҳисобидан қондириш жуда мушкул. Аммо «корейс мўъжизаси» бунинг уддасидан чиқди. Биргина мисол: 2013 йилда 4,23 миллион тонна гуруч етиштирилди. Мамлакат статистика бюроси маълумотларига қараганда, маҳаллий аҳолининг асосий таоми учун ишлатиладиган маҳсулот жон бошига салкам 70 килограммга етди.

Бунгача асосан енгил саноат, хусусан, тўқимачилик ривожига эътибор қаратилган. Вақт ўтиши билан оғир саноат ҳам оёққа тура бошлади. Бугунга ке-

либ Жанубий Кореянинг пўлат ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича дунё ўнлигидан жой олиши таъминланди.

Автомобилсозлик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳавас қилса арзигулик. Дастлабки пойдевори ярим аср илгари қўйилган мазкур тармоқ жуда тез тараққий этди. Чет эл капитали ва кучли интеллектуал имкониятдан унумли фойдаланилган ҳолда бу борада ҳам етакчилардан бирига айланди. Эндиликда мамлакатда йилга ўртача 3 миллион донга автомашина ишлаб чиқарилмоқда. Автокорхоналар томонидан сотувга чиқарилаётган маҳсулотларга Европа бозорида талаб ортиб бораётир. Юқори сифат ва бежиримлиги билан ажралиб турувчи мазкур уловларнинг ташқи бозордаги ўрни йил сайин мустаҳкамланмоқда.

Эришилган ижобий натижаларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Мазкур соҳа Жанубий Корея иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида майдонга чиқди. Истиқболли тармоқ «Кичик ва ўрта корхоналар тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг, яъни 1966 йилдан тараққий эта бошлади. Ушбу қонун асосида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус жамғарма ташкил этилиб, 10 йиллик дастур қабул қилинди. Унга кўра, саноат маҳсулотлари экспортда кичик ва ўрта компаниялар ҳиссасини 37 фоиздан 50 фоиз, айнаи пайтда кўшимча қийматга эга товарлар ишлаб чиқаришни 50 фоиздан 56 фоиз, аҳоли бандлигини 70 фоиздан 78 фоизга ошириш назарда тутилган эди. Мўҳими, бу вазифа уддаланди. Ҳозир мамлакатда 3 миллиондан зиёд кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият юритяпти. Уларнинг ҳар бирида 300 нафаргача ходим меҳнат қилмоқда. Самарали рақобат муҳити шакллантирилгани боис нисбатан қисқа бир муддатда жаҳон бозорида Samsung ва LG каби гигант корпорациялар юзага келди.

Албатта, бутун мамлакатнинг молиявий пойдевори битта ёки иккита тармоқ асосида шакллантирилмайди. Шу боис кemasозлик, кимё ва электроника саноатини равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада Жанубий Кореяда тайёрланган турли маиший асбоб-ускуналардан тортиб энг замонавий электроника намуналари, телекоммуникация маҳсулотларигача хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ўрни келганда қайд этиш жоизки, кейинги йилларда технология ва телекоммуникация



соҳасидаги ихтироларнинг ақсари ята Жанубий Корея ҳиссасига тўғри келаётир. Бундай натижага эришишда 1966 йилда асос солинган Фан ва технология институти, орадан бир йил ўтган

тезкор ахборот алмашилади. 2012 йилда мазкур клиника Кореядаги энг инновацион касалхона сифатида эътироф этилди. Айнаи пайтда бу ерда 700 нафардан зиёд олиий тоифали

ЯРИМ АСР МУҚАДДАМ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲОЗИРГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАРАЖАСИГА ЭРИШАДИ ВА ЖАҲОННИНГ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРИ ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛАДИ, ДЕСА КўПЧИЛИК ИШОНМАСДИ. Тўғри, 50-60 йил ТАРИХ УЧУН ЖУДА ҚИСҚА МУДДАТ. АММО АНА ШУ ВАҚТ ИЧИДА КОРЕЯЛИКЛАР КАТТА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРА ОЛИШДИ.

эса шу номда вазирлик ташкил этилгани жуда катта роль ўйнади.

Кейинги йилларда мамлакатда тиббиёт туризми кескин ривожлана бошлади. Бу ерда дунёнинг турли бурчакларидан келиб, тиббий хизматлардан фойдаланувчилар сони тобора кўшимча қийматга эга товарларнинг Европада нисбатан арзонлигидагина эмас, албатта. Балки унинг сифатидадир. Мисол учун, Корея миллий университети қошидаги клиникани олайлик. Мазкур шифо маскани энг кўзга кўринган муассаса саналади. Беморларга кўрсатиладиган хизматлар тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, 2002 йилда фаолиятини бошлаган клиникада бирор марта ҳам қўғоз ишлатилмаган. 38 та даволаш бўлими ўртасида маълумотлар базаси орқали

шифокор ҳамда 1200 нафар ҳамшира кунига ўртача 6 минг беморга хизмат кўрсатмоқда.

«Корея мўъжизаси» ҳақида сўз юритганда, энг аввало, аҳолининг ўта аҳиллиги, бир мақсад йўлида жипслаган ҳолда ҳаракат қилиши, қатъий меҳнат интизоми ва маданияти шаклланишига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Ана шу тамойилга таянган интилишлар туфайли муваффақиятлар эшиклари аста-секин очила бошлади. Хусусан, 1979 йили мамлакатда ҳар 100 кишига бор-йўғи 6,3 та телефон тўғри келган бўлса, орадан ўн йил ўтмай деярли барча оилалар алоқа воситаси билан тўшлаган клиникада бирор марта ҳам қўғоз ишлатилмаган. 38 та даволаш бўлими ўртасида маълумотлар базаси орқали

идаги рақам ҳам тасдиқлаб турибди: 2013 йил маълумотига қараганда, Жанубий Кореянинг 90 фоиз аҳолиси уяли телефон хизматидан фойдаланмоқда. Аҳолининг халқаро компьютер тармоғидан фойдаланиш кўрсаткичи ҳам бундан қолишмайди. Икки йил аввал мамлакатнинг 20 миллион фуқароси Интернетда ишлаш имкониятига эга бўлган.

Улкан ўзгаришларни бошлаб берган ўша 1960 йилда мамлакат миллий даромади 2,8 млрд. долларни ташкил этар ва бу аҳоли жон бошига бор-йўғи 87 доллардан тўғри келарди. XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб Жанубий Кореянинг ялпи ички маҳсулоти ярим триллион долларга етди. Киши бошига тўғри келадиган даромад эса дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири — 12 000 АҚШ долларидан иборат.

Умуман олганда, ярим аср муқаддам Жанубий Корея ҳозирги тараққиёт даражасига эришади ва жаҳоннинг етакчи давлатлари қаторидан ўрин олади, деса кўпчилик ишонмасди. Тўғри, 50-60 йил тарих учун жуда қисқа муддат. Аммо ана шу вақт ичида корейликлар катта ислоҳотларни амалга ошира олишди.

Шу ўринда Жанубий Кореянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Икки мамлакатни 8 минг километрлик масофа ажратиб туришига қарамай, Ўзбекистон ва Корея Республикаларини дўстлик ришталари, халқларимизни эса тарихий,

маънавий яқинлик боғлаб турилади. Бу яқинлиқнинг илдизи мустаҳкам. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган корейсларга қандай меҳр-мурувват кўрсатилганини улар ҳозир ҳам мамнуният билан ёдга оладилар. Бағрикенглик, саховат, тотувлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик икки мамлакат халқларига хос фазилатлардир.

Шу боис ўзaro иқтисодий ва маданий алоқаларимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораёпти. Машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва қатор бошқа соҳаларда кенг қўламли қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айниқса, нефть-газ, кончилик, нефть кимёси соҳаларидаги ҳамкорлик эътиборга лойиқдир. Навоий шахрида халқаро аэропорт негизида барпо этилган эркин иқтисодий-индустриал зонаси фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Қитъалараро интермодал логистика маркази МДҲда ягона бўлиб, бу ерда юклар тезкорлиқ билан туширилади ва қатор тилади, тақсимланади, махсус оёмборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европада ва ақсинча жўнатиладиган юклар глобал ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланган.

Мустақил Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири ҳисобланмиш Жанубий Кореянинг бундан буён янада жадал ривожланиши шубҳасиз.

VOQEALAR,
SHARHLAR,
DALILLAR

Катта йўқотиш

ФИФАнинг Castrol, Continental, Johnson & Johnson каби йирик ҳомийлари Жаҳон футбол уюшмаси билан муносабатлар бузилганлигини маълум қилди. Бундан аввал мазкур халқаро ташкилот билан Sony ва Emirates компаниялари ўз алоқаларига нуқта қўйган эди. Ҳамкорлиқнинг тўхталишига доир маълумотлар ошкор этилмапти. Таъкидлаш жоизки, мазкур компанияларнинг қўллаб-қувватлаши ФИФАга ҳар 4 йилда 1,5 миллиард доллар фойда келтираётганди.



Уч минг йиллик арава

Хитой шимоли-ғарбидagi Шенси провинциясида олиб борилган қазилма ишлари чоғида бундан 3 минг йил аввал тайёрланган арава топилди. Олимларнинг фикрича, арава дафн маросими вақтида ерга қўйилган. Маълумки, қадимда марҳум билан бирга унга нариги дунёда керак бўлиши мумкин. деб ҳисобланган буюмларни қўшиб кўмиш удуми бўлган. Археологлар дабдабали арава яхши сақланганини таъкидлашмоқда. Мутахассислар, шунингдек, от ва қўйларнинг қолдиқларини топишган. Бу маҳаллий аҳолининг кўчмачи қабилалар билан алоқаси бўлганидан далолат беради.



Мегаполис тарихидаги энг кучли қор бўрони

АҚШ метеорологлари мамлакатнинг шимоли-шарқий штатларида шиддатли қор бўрони кутилаётгани ҳақида хабар беришмоқда. Уларнинг фикрича, айри ҳудудларда 90 см. гача қор ёғиши мумкин. Ўтган ҳафтада Нью-Йорк мэри Бил де Блазио кутилаётган табиат ҳодисаси мегаполис тарихидаги энг кучли қор бўрони бўлишини айтган эди. Бунинг оқибатида Нью-Йорк, Нью-Жерси, Коннектикут, Пенсильвания, Массачусетс, Мэн штатларининг жами 30 млн. аҳоли яшайдиган ҳудудини қор қоплаш эҳтимоли бор. Айнаи пайтда коммунал хизматлар ва қор йиғиш ускуналари шай ҳолатга келтирилмоқда.

Интеграл микросхемали электрон паспорт

Россия фуқароларининг паспорти яқин йилларда пластик карточка кўринишидаги электрон шаклга ўтказилиши мумкин. Бундай қарор ҳукуматнинг Федерал миграция хизматида муҳокамага қўйилди. Электрон паспорт ташки кўринишидан банк карточкаларига ўхшаш бўлиб, унда интеграл микросхема жойлашган. У орқали тўловларни амалга ошириш имкони йўқ. Унда фақат паспорт маълумотлари ҳамда фуқаронинг хоҳишига қараб унинг СТИР рақами ва пенсия суғуртаси картасининг рақами киритилади. Электрон паспортлар 2017 йил 1 январдан муомилага киритилиши кўзда тутилимоқда.

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши партия Олмазор туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари Сожида Абидовага турмуш ўртоғи **Фарҳод АБИДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши ушбу ташкилотнинг Бош ҳисобчиси Жаҳонгир Набиевга отаси **Абдусамат НАБИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 200,9 миллиард сўм, ёш тадбиркор, хунарианд ва фермерлар учун 322,4 миллиард, ёш оилаларга уй-жой сотиб олишга 234 миллиард сўм сармоя ажратилди. Олий таълим муассасаларида шартнома асосида билим олаётган талабаларга 68 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида журналистларга

ана шундай маълумотлар тақдим этилди.

Хорижлик экспертлар ҳамда алоқадор ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда коллеж битирувчиларининг нафақат ишга жойлашиши, балки имтиёзли кредитлар эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиб, янги иш ўринлари очиши анъанасига айланиши таъкидланди.

Тижорат банклари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида 350 дан ортқ турли форум ва анжуманлар, семинар ва амалий учрашувлар ташкил этилди. «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юрта мададкор» танловлари орқали олтмиш нафар йигит-қиз 5 фоизли, икки юз нафари эса 10 фоизли имтиёзли сармоя олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— О'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилган «Ишбилармон талаба» лойиҳасида муваффақиятли иштирок этганим боис имтиёзга эга бўлдим, — дейди Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи битирувчиси Гулноза Қўчқорова. — «Микрокредитбанк»дан олинган 7 миллион сўмлик маблағ ҳисобидан тикувчилик цехини очдим. Замонавий пардалар, сарпо кўтилари, мактаб ўқувчилари учун махус кийимлар тикилаётган корхонада ойига 2-3 миллион сўм фойда қўриляпти.

Юртимиз шаҳарларида кўп қаватли кўркам турар-жойлар, замонавий инфратузилма объектлари барпо этиш жараёнида молия муассасалари фаол қатнашаётгани аҳолининг бу борадаги эҳтиёжини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Манзилли миллиардлар

Ўтган йили мамлакатимизда бошловчи тадбиркорларга жами 825,3 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, 2014 йилда ҳар бир вилоятда ёш оилалар учун топширилган 50 та ана шундай уйнинг қурилиши учун пудратчи ташкилотларга тижорат банклари томонидан 90 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Хусусан, «Қишлоқ қурилиш банк» ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятида 192 хонадонли, Қашқадарё вилоятида эса 160 хонадонли кўп қаватли уйлар учун 15,4 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратди. Жорий йилнинг май ойида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилаётган мазкур уйлар ёш оилаларга бошланғич бадал тўланмасдан 20 йил муддатга, 5 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига тенг фоиз миқдориди берилади.



СЎНГГИ САҲИФА

Касбий малакани оширишга бағишланди

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор берилмоқда.

Пойтахтимизда ўтказилган қонунчилик тарғиботи самарадорлиги ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган семинарда шу хусусда сўз борди. Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги мутахассислари, ички ишлар идораларининг тегишли хизматлари ходимлари иштирок этди.

Унда таъкидланганидек, мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш борасида муайян чоралар кўрилмоқда. Хусусан, профилактика хизмати нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан боғлиқ вазибаларни сидқидилдан адо этаётир.

Бунда ОАВ билан яқин ҳамкорлик ўрнатилгани тарғиботнинг самарали кечишида кўл келмоқда. — Ички ишлар ходимлари ўртасида ўтказилаётган шундай мулоқотлар мутахассисларнинг касбий малакасини оширишда муҳим ўрин тутяпти, — дейди ИИБ ЁХОТМ Ёнгин ўчириш техникаси фанлари кафедраси бошлиғи, полковник М.Бекбаум. — Айниқса, соҳага энди қадам қўяётган ёш ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш вазирлик олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Қизиқarli баҳс-мунозара тарзида уюштирилган семинар тингловчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан атрофлича жавоб олишди.

Фахриддин НУРАЛИЕВ.

Ижодимиз сенга, Ватан!

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг ноёб санъатини асраб-авайлаш, интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги фестивалъ ва танловлар сарҳисоби ҳамда янги лойиҳалар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди



Дилноза НОМОЗОВА, «XXI asr»

Унда таъкидланганидек, ниҳоясига етган йилда вазирлик томонидан бу борада кўплаб тадбирлар ўтказилган. Жумладан, «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочилари республика фестивалида 3,2 минг нафар йигит-қиз ва 70 дан ортиқ хорижий давлат вакиллари иштирок этди.

Санъат байрамларидан яна бири «Competizione dell'Opera» XIV халқаро танловидир. Унда Германия, Япония, Польша, Россия, Словакия каби 60 дан зиёд

давлатдан вакиллар қатнашиб, опера асарларини италян тилида ижро этди. Қувонарлиси, биринчи ўринни ҳамюртимиз Барно Исма-туллаева эгаллади.

Жорий йилда бешинчи марта ўтказилган «Дебют» республика фестивали театр санъатига кириб келаётган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва маҳоратини янада оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Фестивалда 33 нафар дебютант иштирок этиб, «Драматургия» йўналишида Эркин Норсафар, «Сценарграфия» йўналишида Зиёда Зокирова, «Актёрлик санъати»да Сабина Асанова,

«Режиссёрлик санъати»да Фарҳод Ашуров ғолиб деб топилди.

«Энг яхши спектакль» номинациясини Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Тонг отган тарафларда», Сирдарё вилоят мусиқали драма театрининг «Жонгинам, шартингни айт» спектакллари қўлга киритди.

Шунингдек, жойлардаги оромгоҳларда болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида 23560 тадан зиёд маънавий-маърифий, маданий ва спорт мусобақалари ўтказилди.

— 2015 йилда илк марта ташкил этиладиган янги лойиҳалар режаси ишлаб чиқилди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги в.б. Баҳодир Аҳмедов. — Жорий йилда ҳам изланувчан, сергайрат истеъдод эгаларини топиб, уларни рағбатлантиришни мақсад қилганмиз. Хусусан, симфоник ва эстрада чолғу ижрочиларининг «Шодлик навалари», «Ижодимиз сенга, Ватан!» каби республика танловлари, мусиқа ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Санъат қалдирғочлари» фестивали сингари кўплаб тадбирлар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

МУТОЙБА

— Доктор, хотиним билан уришмаган кунимиз йўқ, нима тавсия қиласиз? — Билишимча, сизнинг ички қувватингиз кўп, ортиқча кучни сарфлаш учун ҳар кунни ўн километрдан яёв юринг.

Ун кунлардан кейин шифокор кўнғирок қилди: — Қалай, фойда бердимиз? — Ажойиб доктор, сизга раҳмат.

— Хотинингиз жанжал қилмай кўйдими? — Қандай жанжал қилсин, ахир мен уйимдан юз километр узоқлашиб кетдим. ***

— Официант, жўжани яхшироқ қовуриб келсангиз. — Яхши қовурилмабдимиз? — Шунақа шекилли, нонимнинг ярмини еб қўйдим. ***

— Алло, бу ўт ўчирувчиларми? — Ҳа, нима гап? — Уйимда шифокор билан милиционер муштлашишяпти, кимни чақиришни ҳам билмай қолдим. ***

Агар Луврга бормасдан Мона Лизанинг сирли табассумини томоша қилмоқчи бўлсангиз, хотинингиздан уйдаги пуллар қаёққа кетганини суранг. ***

Дорихонада: — Амаки, сизда оғриқ қолдирувчи дори борми? — Бор. Қаеринг оғрияпти, болакай? — Ҳеч жойим оғримаяпти.

Лекин ҳозир дадам ота-оналар мажлисидан қайтадида. ***

— Сониянинг мингдан бири нима, биласаними? — Билмайман. — Светофор тагида турганингда яшил чироқ ёниши ва ортингдаги машина сигнали чалингунча булган вақтдир.

Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

РЕКЛАМА



2015 йил 22 январда

MOODY'S

халқаро рейтинг агентлиги

«Асака»
давлат-акциядорлик
тижорат банкининг

рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи
«БАРҚАРОР»

Хизматлар лицензияланган.

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга
қўйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

«Нуроний» — омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади.

«Яхши ният» — омонатга маблағлар 12-24 ойга қабул қилинади.

«Баракали мавсум» — омонатга маблағлар 2- 6 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Қўйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларни оловчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Мадад» — маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

«Хонадон» — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.

«Қурилишга бошланғич бадал» — муддати 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-76-53, 150-39-93 www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» —
фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

ЗАЗ FORZA

Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



ЗАЗ

www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.



МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА
ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ —
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 1989 Тираж: 17097

Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар такрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2381-497X



Навбатчилар:
Т.АБДУРАХМОНОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.